

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ СЎРОҚ ҚИЛИШДА ПСИХОЛОГ ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

А.С. Пўлатов

Ю.ф.ф.д., доцент

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17948060>

Вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этадиган психологни таклиф қилиш масаласида ҳам қатъий талаблар қўйиш борасида фикрлар билдирилади. Аввал ихтибос қилинган россиялик муаллиф С. С. Чернова сўроқ қилиш жараёнига психологни жалб қилиш масаласини ҳал қилишда вояга етмаганлар психологияси билан машғул бўлган, аниқроғи сўроқ қилинаётган вояга етмаганнинг ёш гуруҳига тааллуқли психологни жалб қилиш жуда самарали ёндошув деб ҳисоблайди¹.

Мазкур фикрларни умумий ҳолда қўллаб-қувватлаб айтиш лозимки, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда иштирок этаётган педагог, шунингдек психолог ҳақиқатдан ҳам сўроқни ўтказаятган суриштирувчига, терговчига, прокурорга бирон бир масалани тушунтириб бериш ёки унга ойдинлик киритиш вазифасини амалга оширмайди, балки сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахснинг сўроқ жараёни билан боғлиқ ички руҳий ҳолатида юз берадиган психологик босимни барқарорлаштиришга кўмаклашиш орқали вояга етмаган шахс эга бўлган маълумотларни тўлиқ ва ҳаққоний равишда олинишини ҳамда уларни қайд этишга ёрдам беришни назарда тутди.

Амалиётни ўрганиш вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки мунтазамлик касб этмаётганлигини кўрсатмоқда. Ўрганиб чиқилган 193 та жинойт ишининг фақат 28тасида вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда педагог, 17тасида психолог иштирок этган, қолган 148та жинойт ишларида вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда унинг ота-онаси ёки яқинлари иштирок этган. Деярли шундай ҳолатлар вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини ва жабрланувчини сўроқ қилишда ҳам мавжуд.

Шундай экан, амалиётда вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида педагогнинг, шунингдек психологнинг иштирокига эҳтиёж унчалик ҳам кўп эмас. Бугунги кунда педагог ва психолог иштирокига бўлган эҳтиёжнинг пастлиги икки тарафнинг ихтиёрига мувофиқ амалга ошмоқда. Бир тарафдан, ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнига педагогни, психологни жалб қилиш борасида суриштирувчи, терговчи ва суд доим ҳам ташаббус кўрсатмаётган бўлса, бошқа томондан, вояга етмаган гувоҳнинг ўзи ва унинг яқин қариндошлари доим ҳам сўроқ қилиш жараёнида педагогнинг, психологнинг иштирокини истайвермайдилар. Бундай ҳолатнинг вужудга келтирувчи сабаблардан бири, айтилганидек, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда иштирок этадиган педагогнинг, психологнинг процессуал мақомининг аниқ норматив тартибга солинмаганлигидир.

Қўшни мамлакатлар қонунчилигида ҳам педагогнинг, психологнинг процессуал мақомини аниқ белгиловчи нормалар мавжуд бўлмасада, лекин “мутахассис” тушунчасини ифода этувчи нормаларни учратиш мумкин. Жумладан, Азарбайжон

¹ Чернова С. С. Допрос несовершеннолетнего: процессуальные аспекты //Юридическая наука и правоохранительная практика. –С.97.

Республикаси ЖПК 96-моддасида “мутахассис” тушунчаси шакллантирилган бўлиб, унга мувофиқ мутахассис – бу жиноят процессида шахсий манфаатига эга бўлмаган ҳамда жиноят ишини юритувчи шахс томонидан унинг розилиги билан муайян тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ўзининг илм-фан, техника, маданият ва ҳунармандлик соҳаларида махсус билими ва малакаси билан кўмак бериш учун жалб қилинадиган шахсдир. Вояга етмаган жабрланувчини, гумон қилинувчини ёки айбланувчини, гувоҳни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этувчи педагог мутахассис ҳисобланади².

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 80-моддаси биринчи қисмида ҳам мутахассиснинг, шунингдек педагогнинг процессуал мақоми деярли шундай тарзда талқин этилган.

Юқорида ихтибос қилинган нормалар мазмунидан бир нечта жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, педагог малакасига эга шахснинг жиноят ишида мутахассис сифатида иштирок этишга рози эканлиги; иккинчиси, педагог-мутахассиснинг жиноят иши натижасидан манфаатдор эмаслиги; учинчиси, ўтказиладиган тергов ҳаракатида у эга бўлган билимдан фойдаланиш эҳтиёжининг мавжудлиги; тўртинчиси, мутахассиснинг ўтказилайётган тергов ҳаракатида эҳтиёж туғилган билим ва малакага эгалиги.

Шундай қилиб, вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этиш учун жалб қилинадиган педагогнинг малакаси ва билимини аниқлашда қандай мезонларга таяниш зарур эканлиги ҳақидаги масалага жавоб топиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада С. В. Артемовнинг фикрларини мақуллаш мумкин. Унинг таъкидлашича, вояга етмаган шахсни, шунингдек вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этадиган педагогнинг билимига, малакасига ёки унинг тажрибасига қараб жиноят процессига таклиф этиш жуда баҳсли масаладир. Негаки бу мезонлардан бирини қонун нормаларига қатъий тарзда жорий этиш тергов амалиётини муаммоларга ғарқ қилади, терговчини кераксиз масалада доим бош қотиришга ундайди. Шу боис амалиётда самара бермайдиган таклифларни рад этиб, аксинча тергов ҳаракатини амалга оширишда иштирок этадиган педагогни, шунингдек психологни таклиф этиш масаласини терговчи ихтиёрига бериш зарур³.

Фиримизча ҳам, айнан терговчининг ўзи вояга етмаган шахсга нисбатан ўтказиладиган тергов ҳаракатларида, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилишда малакали, билимли ёки муайян тажрибага эга бўлган педагогни таклиф этиш ваколатига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Аммо бу масалани ҳал қилишда терговчи томонидан педагогнинг жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлмаслик қондаси таъминланиши муҳимдир.

Шу билан бирга, педагогнинг жиноят процессида иштирок этишига оид масаланинг яна уч йўналишини эътироф этиш мумкин. Биринчиси, педагогнинг (шунингдек зарур ҳолларда психологнинг) вояга етмаган шахсга нисбатан ёки унинг иштирокида ўтказиладиган барча турдаги тергов (юзлаштириш, кўрсатувларни воқеа

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азербайджан.

³ Артемов С. В. К вопросу о законодательном регулировании участия педагога в уголовном судопроизводстве //Вестник Казанского юридического института МВД России. №1(23). 2016. –С.131.

жойида гувоҳлар иштирокида текшириш ва бошқалар) ва процессуал ҳаракатларда қатнашиши зарур эканлиги муаммоси билан боғлиқ.

Иккинчиси, педагогнинг тергов ҳаракатларини амалга оширишдаги иштироки нафақат ўн олти ёшга тўлган гувоҳни сўроқ қилиш жараёни билан боғлиқ бўлиши, балки жиноят-процессуал қонунида эътироф этилган “вояга етмаган шахс” тушунчасидан келиб чиқиб, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ҳам гувоҳ тариқасида сўроқ қилишда иштирок этишини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Педагогнинг жиноят процессида иштирок этишига оид масаланинг учинчи йўналиши уни жиноят ишида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатларда ўз ифодасини топади. Айнан мазкур масала педагогнинг жиноят процессига жалб қилишга оид юқорида таъкидлаб ўтилган педагогнинг малакаси ва билимига қўйиладиган талабларнинг кўлами ва йўналиши муаммоси билан узвий боғлиқдир. Ушбу муаммо педагогнинг малакаси ёки билими талабга жавоб бермаслиги ҳолати аниқланган тақдирда, масалани қандай тарзда ечиш зарур деган саволга жавоб топишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 78-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, мутахассиснинг, демак ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳнинг сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёнига жалб қилинган педагогнинг (шу билан бирга психологнинг) жиноят ишида иштирок этишига монелик қиладиган икки ҳолатни кўриш мумкин. Биринчиси, педагогнинг ҳолислига шубҳа уйғотадиган ҳолатларнинг мавжудлиги (яъни масалан: жиноят ишида педагог ваколатли ёйинки манфаатдор иштирокчи сифатида қатнашган ёхуд жиноят ишини юритаётган ваколатли шахснинг ёки иш бўйича манфаатга эга бўлган шахснинг қариндоши бўлса (ЖПКнинг 76-моддаси); иккинчиси, педагогнинг (шунингдек психологнинг) касбий малакаси етарли эмаслиги туфайли рад қилиш ёки ўзини-ўзи рад қилиш.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳни (жабрланувчини) сўроқ қилиш жараёнида иштирок этаётган педагогнинг ҳолислигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Негаки сўроқ қилиш жараёнида иштирок этаётган педагог ҳолис бўлмай, ЖПКнинг 76-моддаси биринчи қисми 1, 2 ва 3-бандларида эътироф этилган ҳолатлар туфайли муайян манфаатга эга бўлса, ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳга таъсир кўрсатиш имконига эга бўлади. Бундай ҳолатда вояга етмаган гувоҳнинг кўрсатувларидаги маълумотлар ё жиноят ишини юритувчи шахс хохлаётган йўналишни, ёхуд процессуал манфаатга эга шахслар учун зарур бўлган кўринишни олиши мумкин. Бу эса иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш масаласига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, мутахассис сифатида ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этаётган педагогнинг касбий малакаси ҳам мутахассисга қўйиладиган муҳим талаб саналади. М. Ниёзовнинг таъкидлашича, жиноят процессида мутахассис ва экспертга бўлган эҳтиёж айнан унда мавжуд бўлган билим ҳамда жиноят ишини юритишда шу билимга бўлган зарурият билан белгиланиши мумкин. Бу эса жиноят ишига жалб қилинадиган мутахассисни жиноят ишини юритишда вужудга келган ҳолатни аниқлаш, тушунтириш ва баҳолаш борасида худди шу ҳолатни аниқлаш, тушунтириш ва баҳолаш учун етарли билимга эга бўлишни талаб қилади⁴.

⁴ *Ниёзов М. Жиноят процессига жалб қилинган иштирокчиларни рад қилиш /Масъул муҳаррир ю.ф.д. Ф. Мухитдинов. – Т.: NOSHIR» нашриёти, 2013. – Б. 14.*

Педагогнинг ўз касбига мувофиқ эмаслиги тушунчаси жиноят-процессуал қонунида аниқ ифода этилган бўлмасада, бироқ ЖПКнинг бир қанча моддалари мазмуиндан мутахассис – педагогнинг ўз касбига нолойиқлиги тушунчасини англаб олиш қийин эмас. ЖПКнинг 67-моддасида “хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган ҳар қандай шахс эксперт сифатида ишга чақирилиши мумкин”. Кодекснинг 69-моддасига биноан мутахассис: “далилларни топиш ва мустаҳкамлашда ёрдам бериш” (кўрсатилган модданинг биринчи қисми), муайян ҳолатни “тушунтириш” (ўша модданинг иккинчи қисми) ҳамда “илмий-техника восталарини қўллаш учун” (модданинг учинчи қисми) жалб қилиниши мумкин.

С. С. Ампенонинг фикрича, касбига нолойиқлик деганда мутахассис ёки экспертнинг уларнинг олдига қўйилган саволларни ҳал қилиш учун махсус билимга эга эмаслиги ёхуд шундай билимнинг етарли даражада эмаслигини тушуниш зарур. Касбга лойиқлик деганда нафақат мутахассис ёки экспертнинг махсус билимга эгаллигини назарда тутиш лозим, балки ушбу шахсларнинг мана шу билим соҳасида эга бўлган тажрибаси ҳам эътиборга олиниши керак⁵.

Деярли шундай фикрни азарбайжонлик олим Х. А. Мамедова ҳам илгари суради⁶.

Демак педагогнинг касбига лойиқлиги – бу таълим соҳасила фаолият юритаётган муайян ижтимоий гуруҳга, шу топда ёш авлодга таълим ва тарбия бериш билан машғул бўлган ҳамда ушбу соҳада муайян тажрибага эга бўлган шахс тушунилиши керак.

Амалда ушбу тушунча психологнинг касбига лойиқлиги масаласига ҳам тегишли бўлиб, унда фақат соҳага оид илмий билим, шунингдек ёшлар гуруҳлари билан бевосита ишлаш масаласи муҳим ҳисобланади. Зотан психология (вояга етмаган шахслар психологияси) шу соҳада тажрибага эга бўлиш билан бирга, когнатив-аклий функцияга оид чуқур билимни ҳам талаб қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этадиган мутахассислар билан боғлиқ муаммони ҳал қилишнинг бир қанча йўналишини белгилаш мумкин. Булар: биринчидан, педагогнинг сўроқ қилишдаги иштирокини барча ёшдаги вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида таъмин этиш; иккинчидан, зарур ҳолларда вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш жараёнига суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан ёхуд гувоҳ адвокатининг, вояга етмаган гувоҳнинг қонуний вакилининг илтимосига кўра психологни ҳам жалб қилиш имконини яратиш; учинчидан, педагогни ёки психологни танлаш ва уларни жиноят ишига жалб қилиш масаласини бевосита суриштирувчининг, терговчининг, суднинг ихтиёрига тақдим этиш; тўртинчидан, вояга етмаган гувоҳни, шунингдек вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини сўроқ қилиш жараёнига жиноят ишининг натижасидан манфаатдор бўлмаган педагог ва психологни жалб қилиш қондасини белгилаш; бешинчидан, вояга етмаган гувоҳни, шунингдек вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини сўроқ қилиш жараёнида иштирок этаётган педагогнинг ёки психологнинг ишда иштирок

⁵ Ампенон С. С. Некоторые аспекты проблем института отводов и самоотводов эксперта, специалиста, переводчика //Международные юридические чтения: материалы ежегодной научно-практической конференции. –Омск: Изд. Омск.юрид.ин-т, 2009, Ч. III. –С.250-251.

⁶ Мамедова Х. А. Институт отводов в советском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс... канд.юрид. наук. -М., Институт государства и права АН СССР, 1984. –С.15.

этишга монелик қиладиган ҳолатларни такомиллаштириш; олтинчидан, педагог ва психологнинг вояга етмаган гувоҳ, шунингдек вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи нштирок этадиган бошқа тергов ҳаракатларида, жумладан: юзлаштириш (ЖПКнинг 122-моддаси), кўрсатмаларни воқеа жойида текшириш (ЖПКнинг 132-моддаси) тергов ҳаракатларида иштирок этишларини таъмин этувчи нормаларни жорий этиш. Ва ниҳоят еттинчидан, вояга етмаган, айниқса ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳларни (жабрланувчиларни) суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасидаги иштироклари оқибатида уларнинг руҳиятларига босим кўрсатадиган процессуал тартибларни енгиллаштиришга қаратилган процессуал қоидаларни ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, айрим мамлакатлар тажрибасида мавжуд бўлган – ўн тўрт ёшга тўлмаган гувоҳни суд муҳокамасида сўроқ қилиш жараёнини зарур ҳолларда судланувчининг иштирокисиз амалга ошириш қоидасини мамлакатимиз қонунчилигига трансформация қилиш масаласини кўриб чиқиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

ЖПКнинг 69 ва 121-моддаларига таклиф этилаётган ўзгартиришлар жиноят ишига мутахассисни жалб қилиш асосларини янада кенгайтиришга ҳизмат қилиши мумкин. Дарҳақиқат мутахассис нафақат далилларни аниқлаш ва қайд этиш учун суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга далилларни аниқлаш ва қайд этиш учун кўмак бериш вазифасини бажаради, балки иш бўйича маълум бўлган муайян ҳолатнинг, ашёнинг хусусиятларини аниқлаштиришда ҳам иштирок этиши мумкин. Иш бўйича маълум бўлган ҳолатлар ва ашёлар мутахассиснинг фикрига мувофиқ далил деб эътироф этилиши ёйинки иш учун аҳамиятга эга бўлмаган ҳолат, ашё ёки маълумот деб топилиши мумкин. Бу ерда суриштирув ва тергов жараёнида кўп учрайдиган далил ва нодалил бўлган объектларни алоҳида тушунчаларга ажратиш мантиқли эканлиги ҳақида фикр билдирилмоқда.

Шу билан бирга модда биринчи қисмининг сўнги жумласида мутахассисга қўйиладиган асосий талаблар – “билим” ва “малака” иборалари қаторига “тажриба” тушунчасини ҳам киритиш зарурлиги эътироф этилмоқда. Чунки “билим” (русча – “знание”) умумий ҳолда шахснинг муайян соҳага тааллуқли маълумотларга эгалиги, хабардорлиги тушунчасини англатади⁷. “Малака” (русчада – “квалификация”) ибораси шахснинг муайян фаолиятга тайёргарлик даражасини англатади⁸. “Тажриба” (русчада – “опыт”) деганда эса, ҳаётдан олинган, амалий фаолият орқали тўпланган билим, малака, кўникма тушунилади⁹.

Шундай экан, жиноят иши учун аҳамиятли маълумотларни аниқлаш ва қайд этишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга **кўмак бериш** чоғида мутахассиснинг соҳадан хабардорлиги бевосита унинг малакаси, яъни мутахассиснинг фаолиятга тайёргарлик даражаси орқали амалга оширилса, тажриба эса, – билим ва малака пойдеворида қилинган хулосанинг тўғри, асосли эканлигини намоён қилиш учун муҳимдир.

⁷ Большой толковый словарь русского языка /Сост. и гл.ред. С. А. Кузнецов. –СПб.: “Норинт”, 2000. – С. 367.

⁸ Қайд этилган манбанинг 424 бети.

⁹ Ўша асарнинг 723 бети.

Бундан ташқари, айрим ҳолатларда амалий тажриба жиноят иши бўйича мавжуд бўлган объектнинг ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва ўзгариш (ўзгармаслик) хусусиятларини англаш учун муҳим ўринга эга бўлиши мумкин. Масалан, темир дарвозани электр арра ёки электросварка ёрдамида қирқиб ўйга кириш орқали ўғирлик жинояти содир этмалганда, мазкур соҳадан хабардор шахснинг малакаси билан бирга унинг тажрибаси ҳам муҳим ҳисобланади. Бундай мисолларни амалиётдан қўплаб келтириш мумкин. Айни чоғда тажриба тушунчаси вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда ва бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этадиган педагог ҳамда психолог учун ҳам муҳим талаб сифатида намоён бўлиши мумкин.

Энди ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳларнинг (жабрланувчиларнинг) суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишлари туфайли уларга етказиладиган руҳий шикастлар даражасини пасайтириш кафолатларини кучайтирувчи нормаларга эҳтиёж мавжуд. Бу масалада айрим олимлар томонидан вояга етмаган гувоҳларни (жабрланувчиларни), айниқса ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳларни (жабрланувчиларни) суд муҳокамасида сўроқ қилиш жараёнида уларга катта ёшдаги судланувчилар (айбланувчилар) томонидан ўтказилиши мумкин бўлган руҳий босимни пасайтиришга қаратилган қоидаларни жорий этиш ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Жумладан А. В. Ивановнинг таъкидлашича, айрим тоифадаги жиноятлар ҳақидаги ишларни суд муҳокамасида юритишда (унинг фикрича, бу жиноятлар – жинсий жиноятлар, шахсга қарши жиноятлардир) ўн олти ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг (гувоҳларнинг) ҳуқуқ ва манфаатларини катта ёшдаги судланувчидан (айбланувчидан) ҳимоя қилиш масаласи муҳимдир. Шундай ҳимоя воситаларидан бири, – бу ўн олти ёшга тўлмаган жабрланувчини (гувоҳни) суд муҳокамасида сўроқ қилишда катта ёшдаги судланувчининг иштирокини чеклаш билан боғлиқ¹⁰.

Амалда шундай процессуал қоидаларни Польша жиноят-процессуал қончилигида кўриш мумкин. Польша ЖПКнинг 185а-моддаси ўн беш ёшга тўлмаган жабрланувчини сўроқ қилиш тартибини белгиллаган. Унга мувофиқ, жинсий даҳлсизликка оид жиноятлардан, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлардан жабр кўрган ўн беш ёшга тўлмаган шахслар, шунингдек гувоҳлар, судланувчининг иштирокисиз кўрсатув беришлари мумкин¹¹.

Кейинчалик Польша парламенти мазкур жиноят турларига яна деярли барча зўравонлик жиноятларини ҳамда шахснинг эркинлигига тажовуз қилинган жиноятларни ҳам киритди¹².

Польшалик олим А. З. Кравиеcнинг фикрича, қонунга киритилган юқоридаги норманинг мақсади вояга етмаган жабрланувчиларнинг, шунингдек гувоҳларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, уларни мунтазам равишда катта ёшдаги айбланувчининг ҳузурида сўроқ қилиш ва юзлаштириш тергов ҳаракатларини амалга ошириш натижасида етказиладиган руҳий босимни енгиллаштириш ҳамда “Одам

¹⁰ Иванов А. В. Участие педагога и психолога в процессе допроса малолетних потерпевших /Вестник Воронежского института МВД России. Юридические науки. Воронеж, №4, 2015. –С.42-43.

¹¹ Polski Kodeks postępowania/ 2003.

¹² Ўша манбада.

савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Европа Иттифоқининг 5 апрель 2001 йилдаги Конвенция талабларини бажариш масаласига қаратилгандир¹³.

Албатта бундай процессуал тартибни жорий қилишда айбланувчининг (судланувчининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи воситаларни таъмин этиш муҳим ҳисобланади.

А. В. Ивановнинг ёзишича, Польша Республикасининг ЖПК бу борада судланувчига (айбланувчига) икки тоифадаги ҳимоя воситасини тақдим этади. Биринчиси, агар вояга етмаган жабрланувчи (гувоҳ) ўз кўрсатувларида жиноят иши ҳолатларини аниқлаш учун муҳим бўлган маълумотларни баён қилмаган ёки уларни тўлиқ баён қилмаган, ёйинки иш бўйича янги далиллар аниқланган тақдирда, судланувчи (айбланувчи) унинг ҳузурида вояга етмаган жабрланувчини (гувоҳни) такроран сўроқ қилиш тўғрисида илтимоснома билдириш ҳуқуқига эга (Польша Республикаси ЖПКнинг 185-моддаси, 1§).

Иккинчиси, судланувчининг (айбланувчининг) иштироки чекланган ҳолда вояга етмаган жабрланувчини (гувоҳни) сўроқ қилишда, судланувчининг (айбланувчининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган ҳимоячининг иштироки шарт. Аммо ушбу процессуал қондани қўллашда баъзи муаммолар вужудга келади. Жумладан, агар судланувчи (айбланувчи) ҳимоячи хизматларидан фойдаланмаётган бўлса, унда талаб этилаётган қондага амал қилишнинг имкони мавжуд эмас. Бундай ҳолатларда масаланинг икки ечими мавжуд. Биринчиси, вояга етмаган жабрланувчини (гувоҳни) судланувчининг (айбланувчининг) иштирокисиз сўроқ қилиш зарурияти вужудга келган тақдирда, ушбу тергов ҳаракатида ҳимоячининг иштирокини мажбурий равишда таъмин этиш, шу ҳақда ЖПКнинг 51-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш; иккинчиси, агар судланувчи (айбланувчи) ҳимоячидан воз кечиб, унинг хизматларидан фойдаланишни қатъий равишда рад этган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарорига, суднинг ажримига мувофиқ, судланувчининг (айбланувчининг) яқин қариндошидан бирининг иштирокини таъмин этиш (ЖПКнинг 49-моддаси, учинчи қисми) ёхуд янги ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда жабрланувчи, гувоҳ ва судланувчи (айбланувчи) ўртасидаги бевосита коммуникацияни чеклаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Лекин вояга етмаган жабрланувчини (гувоҳни) катта ёшдаги судланувчининг (айбланувчининг) ҳимоячи хизматидан фойдаланмаётганлиги сабабли унинг иштирокида сўроқ қилиш, юқоридаги қонданинг мазмун-моҳиятидан четлаштиради. Шу боис мазкур қонданинг моҳияти бўлган – вояга етмаган жабрланувчининг (гувоҳнинг) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш масаласининг аҳамиятини жиддий равишда пасайтириши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар асосида мамлакатимиз ЖПКда ҳам сўроқ қилиш тергов ҳаракати чоғида вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада қатъий таъмин этиш учун сўроқ қилиш жараёнида катта ёшдаги судланувчининг (айбланувчининг) иштирокини чеклаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Назаримизда бунинг учун мамлакатимиз ЖПКга янги – 121¹-моддани киритиш зурур. Мазкур моддада вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳнинг

¹³ Krawiec A. Z. Maloletni pokrzywdzony w nom sudoproizvodstve/ dis///kand/yurid/nauk/ Torun/ 2009/

шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашнинг заруриятига оид ҳамда вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилишда судланувчининг (айбланувчининг) иштирокисиз кўриш тартиби, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш хусусиятларига тааллуқли масалалар ўрин олиши лозим.

Шундай қилиб вояга етмаган шахсни, у гувоҳ бўладими, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи бўладими, қатъи назар, сўроқ қилиш ва унинг иштирокида олиб бориладиган бошқа тергов ҳаракатларида педагогнинг, психологнинг иштирок этиши вояга етмаган шахс эга бўлган маълумотларни тўлиқ ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларига монанд ҳолда олиш имконини оширади. Бу эса иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва айбдор бўлган шахсларга адолатли жазо белгилаш учун пойдевор бўлиб ҳизмат қилиши мумкин.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Чернова С. С. Допрос несовершеннолетнего: процессуальные аспекты //Юридическая наука и правоохранительная практика. –С.97.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азәрбайджан.
3. Артемов С. В. К вопросу о законодательном регулировании участия педагога в уголовном судопроизводстве //Вестник Казанского юридического института МВД России. №1(23). 2016. –С.131.
4. Ниязов М. Жиноят процессига жалб қилинган иштирокчиларни рад қилиш /Масъул муҳаррир ю.ф.д. Ф. Мухитдинов. – Т.: NOSHIR» нашриёти, 2013. – Б. 14.
5. Ампенев С. С. Некоторые аспекты проблем института отводов и самоотводов эксперта, специалиста, переводчика //Международные юридические чтения: материалы ежегодной научно-практической конференции. –Омск: Изд. Омск.юр.ин-т, 2009, Ч. III. –С.250-251.
6. Мамедова Х. А. Институт отводов в советском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс... канд.юр.д. наук. -М., Институт государства и права АН СССР, 1984. –С.15.
7. Большой толковый словарь русского языка /Сост. и гл.ред. С. А. Кузнецов. –СПб.: "Норинт", 2000. – С. 367.
8. Қайд этилган манбанинг 424 бети.
9. Ўша асарнинг 723 бети.
10. Иванов А. В. Участие педагога и психолога в процессе допроса малолетних потерпевших /Вестник Воронежского института МВД России. Юридические науки. Воронеж, №4, 2015. –С.42-43.
11. Polski Kodeks postcpowania/ 2003.
12. Krawiec A. Z. Maloletmi pokrzy wdzony w nom sudoproizvodstve/ dis///kand/yurid/nauk/ Torun/ 2009/